

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

НОМЗОДЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ



Суратда: тренер Б. Ниёзов шогирдлари билан.

А. Зуфаров фотоси.



ОЧКОЛАР УРИНЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ областлари ва шаҳарларида Ўзбекистон XX спартакиадаси программаси асосида мусобақалар давом этмоқда. Спартакиада программасига спортнинг 24 тури киритилган. Шу кунгача аёллар ва эркеклар ўртасида чим устида хоккей, замонавий бешкураш, эркин ва классик кураш, бокс, велоспорт, волейбол, городки, стол теннис мусобақаларига якуни қилди. Ҳозир командалараро мусобақада дастлабки олти ўринни қуйидаги коллективлар эгаллаб турипти.

Тошкент шаҳри — 1492 очко.
Тошкент области — 1403 очко.

Фарғона области — 1162 очко.
Андижон области — 1051 очко.
Самарқанд области — 1030 очко.
Наманган области — 735 очко.

КЛАССИК КУРАШ

СПАРТАКИАДА программасининг бу тури мусобақалари

БАКЕТБОЛ

АНДИЖОН шаҳрида ўтказилган мусобақаларда группалардаги беллашулар тугади. Тошкент области, Фарғона, Андижон ҳамда Тошкент шаҳар командалари ғолиб чиқиб, якуний мусобақада қатнашиш ҳуқуқига эришдилар.

Кеча ана шу тўрт команда ўртасида ҳал қилувчи ўйинлар бошланди.

ҚўЛ ТУПИ

СПАРТАКИАДА программасига бу спорт тури ўйинлари Наманган шаҳрида бошланди. Ғолиблик учун 13 команда дастлабки кўлиққа қўшилди. Кеча Тошкент шаҳри вакиллари Сурхондарё командаси билан, Тошкент области спортчилари эса Наманган области гандболчилари билан учрашди.

Спартакиада мусобақалари тўбора қизмоқда.



НИЗОМИИ номидаги Тошкент давлат педагогика институтини сирткиниги студентлари

ДЕЛЕГАТ СТУДЕНТЛАР ҲУЗУРИДА

ЯҚИНДА Тошкент Давлат маданият институтини олимпиада ва студентлари КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи раёни президиумининг раиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ўлмас Умарбеков билан учрашди.

Учрашувни институт ректори, профессор С. М. Хан очиб, КПСС XXVII съезди белгилаб берган режалар жамияти хатида унутилмас воқеа бўлиб қолаётгани таъкидлади. Совет кишилари маънавий камолотини таъминлашда ёзувчиларимиз зиммасида маъсулиятли ва заҳматкор турганлигини уқтирди.

Ўлмас Умарбеков ўз нутқида съездининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти, у белгилаб берган мамлакатини социалистик йўналишда ривожлантиришнинг янги йўналишлари, партия ижодкор элилар олдида, ҳусусан, маданият ҳодимлари ва совет кишилари зиммасига қўйган вазифалар тўғрисида гапирди.

Сўнгра Ў. Умарбековнинг «Ўзининг биринчи кунин» ва «Қурорт» сингари саҳна асарлари асосида тайёрланган парчаларни режиссерлар ва актёрлар маҳорати кафедрасининг катта ўқитувчиси Н. Олимова, санъатшунослик кандидати Б. Икромов раҳбарлигида бир гуруҳ студентлар ижро этишди. Шунингдек, «Боллар кўшиқлари» туркумидан намуналар ўқидилар.

Учрашув институт ҳаваскорлари томонидан ижро этилган партия ва Ватан ҳақидаги кўшиқлар билан якуниланди.

Н. БЕКМИРЗАЕВ.

ҚИСМДАН МАКТУБ

ПОИТАХТИМИЗНИНГ Тельман номи маҳалласида истиқомат қилувчи Жўратилла ва Муҳаббат Шукруллаева-лар хонадонига почталовчи қувончли хабар келтирди. «Н» бўлими командирини йўллаган мактубда Бахтиёр Шукруллаевнинг интизомли, қаққон, ҳушёр ва ўқитиш эҳлини фарзандини вояга етказганликлари учун ота-онага миннатдорчилик ва

ташаккур изҳор қилинган эди.

Хатда «Оддий жангчи инкичи йилдири, Ватан олдидаги бурчини шараф билан ўтаётгани, жанговар сиёсий тайёргарлик аълочили сифатида ўртоқларига намуна қўрсатаётганлиги» таъкидланган.

Бу хушхабар ота-онани чексиз мамнун этди.

С. СУЛТОНОВ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ МАРШРУТ!

«ТОШКЕНТ—ШУМИЛОВ—ЧИНГЕЛДИ»

ЎРТА ОСИЕ темир йўлининг Тошкент бўлимида янги маршрут очилди. Тошкент—Шумилов—Чингелди—Оралиғида 70 километрик масофада юк ташувчи электр поезди қатнай бошлади. Бу электровоз 2 ТЭ10Л, 2 ТЭ60В марка

ли тепловозлардан уч барабар тез юради. Янги маршрутда янги электровозни бошқариш Виктор Скобняков ишонли тошрилади. Виктор 20 йилдан бери машинист касбиди ишлаб келмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консултация бюросидан

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг редакцияга юборган қатор саволларига Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консултация бюросининг аъзоси А. ҲАСАНОВ жавоб беради:

САВОЛ: бетооблигим туфайли армия хизматидан қайтиб келганимдан сўнг кўп вақт ўтмасдан яна касал бўлиб қолдим. Ҳали ҳеч қарорга йўл йўлламаганим. Касаба союзи аъзоси бўлишсам ҳам менга нафақа тўланадими?

Х. АБДУМАЛИКОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Касаба союзидаги Совети Президиуми ёки секретариати Куролли Кучлардаги хизматдан бўшган вақтдан бошлаб бир ой муддат ичида касал бўлган содир ҳарбий хизматчиларга касаба союзи аъзоси бўлиш ёки бўлмаслигини қатъий назар, нафақа тўлашга рухсат беришлари мумкин. Бундай шахсларга касаба союзи Совети лозим қўрғон корхона касаба союзи комитети орқали нафақа тўланади.

СОҒЛИҚ КЕРАК БЎЛСА, ИЧМАНГ!

ШАРҚ донишмандлари айтганидек, тўрт нарсани танасининг, жонининг, ноининг ва майхўрлик одамларга бахтсизлик келтиради. Айниқса, ичкилик кишини охири-оқибатда хароб қилади: обрўни кетказади, оилани бузди, энг ачинарлиси, соғлигини йиғиб чиқаради.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 50 фойиздан ортиқ бахтсиз ҳолатлар, 70—80 фойиздан ортиқ турли жинсий касалликлар мастликка содир бўлади. Турли корхоналарда асосан, тартиб-қоидаларни бузувчилар, шунингдек, руҳий, венерик, гипертония, юрак, буйрак, жигар ва бошқа касалликлар спиртли ичимликни кўп истеъмол қилувчиларда учрайди. Улардан турлигача болалар ҳам кўпинча жисмоний ва руҳий носоглом бўлади.

«Спиртли ичимликни суиистеъмол қилиш кўпинча гайрихалок, гайрисоциал ҳуқуқтар деб баҳоланмай япти. Ичкиликбозликка нисбатан қонун ва жамоатчилик фикрининг кучидан тўла-тўқис фойдаланилмапти», дейилади КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ҳақидаги қарорига. Демак, ичкиликбозликнинг ҳар қандай кўринишига айланишига қатъий кураш олиб бориш зарур.

Баъзилар учун нима кўп, сабаб-баҳона кўп: янги уйга кўчиб бориш, енгил машина сотиб олиш, янги либос кишиш, олтускага кетиш ёки қайтишда, тўй, диссертация ҳимоя қилишни спиртли ичимлик билан «ювиш»ни одат қилиб олишган эди. Бундан ташқари, учрашувлар ҳам ичкиликсиз ўтмай қолмади. Баъзилар хатто ўз фарзандларининг «иштаҳасини очиш» мақсадида ёшларнинг винога ўргатдилар. Телевизор ёки кино экранларида намоиш қилина-

диган айрим фильмларда ҳам дастурхон устига «яримта»ни қўйиб тапишардилар. Бу, табиийки, болалар ва ўсмирлар, ёш йигит-қизларимизга салбий таъсир этади.

Ичкиликбозлик — қони зарар, энг ёмон иллат. Айниқса, унинг кишилар саломатлигига етказётган зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб

Самарқанд меҳнат ва соғлом турмуш учун

бўлмайди. Ҳусусан, ичкилик туфайли турли таносил касалликлари ҳам юзага келиши мумкин. Таносил касалликлари — бутун организмни заҳарловчи юқумли касалликлардир. Бундай ҳасталикни оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган ўзига хос рангсиз трепонема ёки спирохеталар қўзғатади. Рангсиз трепонемалар микроскоп остида тирик, ҳаракатчан, пармисимон бўлиб кўринади, бемордан соғлом одамларга юқади. Орадан уч-тўрт ҳафта ўтгандан сўнг баъдан тангадек яра пайдо бўлади, унинг таги қаттиқ бўлиб, оғримайди. Шунинг учун уни қаттиқ шанкр деб ҳам аташади. Қаттиқ шанкр пайдо бўлгандан сўнг бир неча кун ўтгач, ярага яқин жойларда лимфатик безлар шишиди, катталашди ва атрофдаги тўқималардан ажралиб туради. Агар бемор ўз вақтида даволанмаса, 2—2,5 ойлардан сўнг унинг оёқ-қўлларида, оғзида турли доғ-тошмалар пайдо бўлади.

Ўз вақтида тўқил даволанмаган беморнинг асбала-ри, шунингдек, орқа ва бош

кўпчилиги республика тарма комиссияси ҳақи равишда номзод қилиб олинди. Тошкент областининг бир йўла савкиз боксчиси ўз вази тоғфасида спартакиада чемпиони бўлди. Булар Б. Ҳамроқулов (Ангрен), Қ. Раҳимов, Б. Зокиров, Р. Султонов, (Ҳаммаси Чирчиқдан), Э. Сейталиев (Оржоникидзе), Т. Исроилов (Ангрен), Ф. Усмонов (Ғазалкент), А. Емельянов (Чирчиқ)лардир. Бундан ташқари И. Герасимов (Ғазалкент) ва Б. Шпак (Чирчиқ)лар иккинчи ўринни эгаллашди.

Эндиликда республика спартакиадаси ғолиблари СССР халқлари IX спартакиадаси мусобақаларига қизгин ҳозирлик кўришга киришдилар.

Спартакиадада яхши қатнашган Тошкент области командасини мусобақага тайёрлашда унинг катта тренери Б. Ниёзов ҳамда тренер Г. Муллаевларнинг самарали меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Республикамизнинг бу икки собиқ чемпиони ўз маҳоратларини шогирдларига ўргата олганлар.

Ҳ. РАҲИМОВ, тренер.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР АСРЛАР ОША СИНОВДАН ЎТГАН



Ичига пахта солиб қавилган чопон-шарқда қадим-қадим замонлардан бўён машхур. Замондошларимиз ҳам бу либосга муносиб баҳо бермоқдалар. Эрақлар салқин тушган пайда уйда бу чопонни севиб киядилар, боғ ва ползда ишлайдилар.

Йўл-йўл рангдор бекасдан, шунингдек қора сатидан (ичига пахта сириб қавилган) чопонларни «ТАШ-ТЕКСТИЛЬШВЕЙТОР» магазинлари, ЦУМ, ГУМ ва бошқа совғалар магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-47-11).

АВТОМОБИЛЬДАГИ «ШМЕЛЬ» «ШМЕЛЬ-АВТО-2»



Янги модели қўл пилесоси автомашина саломи, бағажини, мотор бўлими, шунингдек пассажирлар кийимларидан чанг ва гардни сўриб олади.

«ШМЕЛЬ-АВТО-2» — кичик ва енгил бўлиб, уни автомобиль саломида ишлатиш осон. У 30 аккумулятордан қувват олиб ишлайди. Ваҳоси — борт сўм.

Тайёрловчи завод пилесосини 2,5 йил мобайнида бенуқсон ишлатиш кафолатлайди.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ. «СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ҲАМЗА НОМИДАГИ САЊАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА

(Парадлар хябони, 2-уй) 17 апрель соат 10.00 да Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар ташкилоти ВОИРнинг 11-ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ очилди.

Конференция делегатлари 17 апрель соат 9.00 дан бошлаб рўйхатдан ўтказилди. ВОИРнинг Тошкент об-ласт совети президиуми.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—16/IV да Курорт, 17/IV да Ғариб-лар, 18/IV да Ревизор.

МУКИМИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/IV да Чароғондир тўлда қолдулар, ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да Шайтон фаршталари (19.00), 18/IV да Зар қадри.